



Савол:

Нун сурасидаги (Ва-Аллоху аълам) валади-зинога итоат килмасликни амр этишда кандай хикмат бор, чунки «бу унинг сабаби билан бўлмаган-ку»- деган фикрларни куп эшитаман.

Жавоб:

Бу сурадаги кайтарик пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламга бўлган ва сиз зикр килган сифат ёлгиз сифат эмас ундан аввал унинг саккизта сифати зикр килинган ва бу тўккизинчиси. Бу оятда зикр килинган одам Валид ибн Мугийрадир. Бу хукм пайгамбаримизга шу одам хакидаги хос хукм бўлиб унинг умумий валади зиноларга тааллуки йўқдир. Агар валади зино мусулмон бўлиб ислом ахкомларига амал килса унга бирор нарса дейишга бировнинг ҳақки йўқ, зино килган одамлар дунё ёки охиратда жазоларини олгайлар. Сиз яна бир бор бу оятнинг маъносини Алоуддин Мансурнинг таржимасидан кўринг.